

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

СУД ТИЗИМИ
МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 11 октябрдаги 224-сон қарори билан Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга (ВМнинг 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарори) қўшимча киритилди. Жамғарма маблағлари энди уларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали ажратган ҳолда Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази фаолиятини молиялашга ҳам йўналтирилади.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР УЧУН
СТИПЕНДИЯЛАР

2008 йил 13 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 226-сон қарори қабул қилинди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). У билан иқтидорли ўқувчиларни, талабалар ва аспирантларни тақдирлашни тартибга солувчи бир қатор ҳужжатлар тасдиқланди.

Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Президент стипендиялари давлат олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг сўнгги ўқув йили аспирантларига – Ўзбекистон фуқароларига танлов асосида танлаб олиш натижаларига кўра тайинланади. Аспирантларга тайинлаш учун белгиланган стипендиялар квотаси (бешта) давлат илмий-техника сиёсатининг энг муҳим йўналишларига мувофиқ, ҳар бир йўналишга битта стипендия ҳисобидан тақсимланади. Стипендияларни тайинлаш учун куйидаги мезонлар белгиланди: илмий мақолалар (камида иккита) эълон қилинган бўлиши, Ўзбекистон тарихини билиш ва бошқалар. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазирликлар ва идораларнинг стипендияларни тайинлаш тўғрисидаги тавсияларини кўриб чиқади ва ҳар йили бир марта – декабрь ойида улар бўйича қарор қабул қилади. Ҳужжатлар 1 – 31 октябрда қабул қилинади, махсус тест синовлари эса 1 – 30 ноябрда ўтказилади.

Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ стипендиялар Ўзбекистон фуқаролари бўлган давлат олий таълим муассасалари (бакалаврият ва магистратура бўйича алоҳида-алоҳида) талабаларига танлов натижаларига биноан тайинланади. Талабаларга тайинлаш учун белгиланган стипендиялар квотаси (ўн битта) муайян йўналишлардан ҳар бири бўйича биттадан стипендия ҳисобидан тақсимланади. Шунингдек стипендияларни тайинлаш учун мезонлар белгиланган бўлиб, улар орасидан конференцияларда қатнашиш, камида иккита эълон қилинган ишларнинг мавжудлиги, тилларни – давлат тилини ва битта хорижий чет тилни ва Ўзбекистон тарихини билиш ҳам ўрин олган. Стипендияга талабгорлар ушбу фанлар бўйича ўз билим даражасини аниқлаш учун махсус тест синовлари топширадилар. Стипендиялар соҳиблари бўлган талабалар давлат олий таълим

муассасасини битиргач, икки йил давомида грант асосида магистратурага ва аспирантурага кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Номли давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом. Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва Имом ал-Бухорий номидаги стипендиялар бакалаврият бўйича ўқиётган охириги икки курс талабаларига тайинланади. Улар тайинланиши учун аъло ўқиш ва илмий ишларда иштирок этиш, тилларни билиш зарур. Стипендияларга сазовор бўлган талабалар бакалавриятни тугатганидан сўнг бир йил мобайнида, тегишли мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз, грант асосида қабул қилинадилар.

Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги низом уларни ташкил этишнинг умумий принципларини белгилайди. Ҳар бир тадбирни ўтказиш учун жавобгар бўлган тарафлар белгиланди. Халқаро ва республика мусобақалари ғолиблари олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом таълим муассасаларига имтиёзли кириш ва пул мукофотлари олиш тартибини белгилайди. Чунончи, мисол учун республика (1-ўрин) ва халқаро (1-5-ўринлар) танловлар ва мусобақаларнинг индивидуал турларида ғолиб чиққан академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг битирувчилари олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Олимпиадалар ғолибларига пул мукофотлари белгиланади, масалан, халқаро олимпиадаларда 1, 2, 3, 4, 5-ўринларни эгаллаганларга – талаба стипендиясининг тегишли равишда 10, 9, 8, 7, 6 баравари миқдорини ташкил этади.

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
АЛОҚАСИНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 15 октябрдаги «Технологиялар трансфери агентлиги» давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 228-сон қарори билан агентлик Иқтисодиёт вазирлиги тасарруфига ўтказилади. Унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, технологияларни мустақил экспертизадан ўтказиш ва бошқалар ҳисобланади. Давлат корхонасини молиялаштириш ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилиши белгиланган.

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ
ЯНГИЧА ҚОИДАЛАРИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2008 йил 13 октябрда 1865-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети-

дан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Чунончи, йиллик бухгалтерия ҳисоботлари кейинги ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига тузилади. Чораклик бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, ойлик бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг биринчи санаси ҳолатига тузилади. Йиллик ва чораклик бухгалтерия ҳисоботлари касса ва ҳақиқий харажатлар бўйича, ойлик ҳисоботлар эса, касса харажатлари бўйича тузилади. Шунингдек бухгалтерия ҳисоботларини тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартиби, бухгалтерия субсчётларининг ёпилиш тартиби ҳамда якуний провочкаларни ҳисобда акс эттириш тартиби белгиланди. Бухгалтерия ҳисоботларини тузиш қоидалари, воситаларни баланс активи ва пассивида акс эттириш қоидалари ҳам белгиланган.

2008 йил 23 октябрдан кучга кирди.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
БОЗОРИДАГИ НАВБАТДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг буйруқлари (АВ томонидан 2008 йил 13 октябрда 820-1, 1495-1, 860-2, 854-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан куйидаги ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

– Қимматли қоғозлар бозорида манипуляциянинг олдини олиш қоидалари (1999 йил 21 сентябрдаги 820-сон). Чунончи, қимматли қоғозлар бўйича битим, қимматли қоғозлар бозорида манипуляциялаш, манипуляциялар субъекти ва объекти, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи каби тушунчалар аниқлаштирилди. Ҳужжат шунингдек «қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари», «қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиси» ва «қимматли қоғозлар бозори малакали иштирокчисининг миқдори» тушунчалари билан тўлдирилди. Тегишли ўзгартишлар Қоидаларнинг бутун матни давомида киритилган. Шунингдек суд томонидан аниқланган нархларни манипуляциялаш далиллари ҳамда қимматли қоғозлар тўғрисида атайин нотўғри ахборот, шу жумладан рекламада тақдим этилган нотўғри ахборотни тақдим этиш йўли билан инвесторларни қимматли қоғозларни харид қилиш ёхуд сотишга чорлаганлик далиллари учун қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчилари ва эмитентлар қонунчиликка мувофиқ инвесторлар олдида уларга етказилган зарарлар доирасида мулкий жавобгар эканликлари белгиланган;

– «Қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат бериш фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ (2005 йил 15

июлдаги 1495-сон қарор). Келтириб ўтилган янги таърифга мувофиқ инвестиция маслаҳатчиси – қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва улар муомаласи масалалари, қимматли қоғозлар бозори ва унинг иштирокчилари аҳолини таҳлил ва прогноз қилиш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатувчи, шунингдек қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрловчи юридик шахсдир. Унинг мажбуриятларига энди қимматли қоғозлар билан операциялар ички ҳисобини юритиш, шунингдек ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш; ҚҚБ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ахборотни очиб беришни амалга ошириш; миқдорларни ахборот олишга доир ҳуқуқлари ҳақида хабардор қилиш ҳам кирди. Миқдорнинг талабига биноан маслаҳатчи давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхасини; лицензия нусхаси, устав фонди тўғрисидаги маълумотлар ва қонунчиликка мувофиқ бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни ҳам тақдим этиши керак. Бундан буён инвестиция маслаҳатчиси қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириши мумкин (аввал бу тақиқланган эди);

– Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низом (1999 йил 28 декабрдаги 860-сон). Унда белгиланишича, эмитент – эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқарувчи ва уларнинг эгалари олдида улар бўйича жавобгар бўлган юридик шахсдир. Андеррайтер эса – андеррайтинг фаолиятини амалга оширувчи инвестиция воситачиси ёхуд тижорат банки. Низом матнига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди;

– Марказий депозитарийнинг савдо ва ҳисоб-китоб-клиринг тизимлари билан ўзаро алоқадорлиги тартиби (1999 йил 16 декабрдаги 854-сон). Куйидаги тушунчалар ўзгарди: «ҳисоб-китоб – клиринг палатаси» (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органининг тегишли лицензияси асосида қимматли қоғозлар бўйича битимларга доир ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчиси) ва «қимматли қоғозлар бозори малакали иштирокчисининг миқдори» (қимматли қоғозлар бозорининг малакали иштирокчисининг хизматларидан фойдаланувчи депонент ёки бошқа шахс).

Ҳужжатлар 2008 йил 23 октябрдан кучга кирди.

АВИАКЕРОСИНГА
АКЦИЗ СТАВКАСИ ЯНГИЛАНДИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2008 йил 16 октябрда 1866-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан авиакеросин ёқилгиси учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкаси қайта кўриб чиқилиб, 36 400 сўм/тонна миқдорида белгиланди.

2008 йил 26 октябрдан кучга киради.

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 11 октябрдан 17 октябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 42-сони асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogma.uz сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

УШБУ
СОҒДА

1-бет

Қонунчиликда қандай
янгиликлар бор?

\$1 = 1340,81 сўм

4-5-бетлар

Маслаҳатлар,
маслаҳатлар

€1 = 1806,21

6-бет

Коррупцияга қарши
ким қандай курашяпти?

£1 = 2326,57 сўм

7-12-бетлар

Янги қонун
ҳужжатлари

¥10 = 131,75 сўм

INTER
PRESS
www.interpress.uzINTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИBella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPSI • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Кларксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретноОБУНА, ЖУРНАЛЛАР,
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАРтел./факс:
(99897)119-0000
155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

2008 ЙИЛНИНГ ОКТАБРЬ ОЙИ УЧУН СОЛИҚ

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
(6 x 210 295) = 1 261 770 сўмгача	Даромад суммасининг 13 фоизи
1 261 771 сўмдан (10 x 210 295) = 2 102 950 сўмгача	164 030,1 сўм + 1 261 770 сўмдан ортиқ сумманинг 18 фоизи
2 102 951 сўм ва ундан юқори	315 442,5 сўм + 2 102 950 сўмдан ортиқ сумманинг 25 фоизи

Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3931-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 18 630 сўм этиб белгиланган. 2008 йил 1 апрелдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 5 мартдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3972-сон Фармонида биноан ЭКИХ ойига 20 865 сўмга тенглаштирилди. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 21 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-4014-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига 25 040 сўмгача оширилди. Январь-октябрь ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 210 295 сўмни (18 630 + 18 630 + 18 630 + 20 865 + 20 865 + 20 865 + 20 865 + 20 865 + 25 040 + 25 040) ташкил қилади.

I МИСОЛ. Корхона ходими октябрь ойи учун 135 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-октябрь ойлари учун жами даромади 1 130 000 сўмни (100 000 + 100 000 + 100 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 112 000 + 135 000 + 135 000) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида ушланган солиқ суммаси 129 350 сўмга тенг.

Унинг октябрь ойидаги иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-октябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 130 000 сўм даромаддан):

Ходимнинг даромади энг кам иш ҳақининг 6 баравари – 1 261 770 сўм (210 295 x 6)дан ошмаслиги сабабли, унга 13%ли ставка бўйича солиқ солинади:

1 130 000 x 13% = 146 900 сўм.

2. Октябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

146 900 – 129 350 = 17 550 сўм.

3. 2008 йилда фуқароларнинг ШЖБПХга мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромади) солиқ солинадиган суммасининг 1%и миқдорида белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сон қарорининг 2-банди). Январь-октябрь ойлари учун ШЖБПХга иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридаги мажбурий ушланмалар суммаси 11 300 сўмни (1 130 000 x 1%) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида 9 950 сўм ушлаб қолинган, октябрь ойида 1 350 сўм (11 300 – 9 950) ушланиши лозим.

4. Октябрь ойи учун бюджетга 16 200 сўм (17 550 – 1 350) даромад солиғи ўтказилади.

5. 2008 йилда фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий сугурта бадаллари ставкаси ходимнинг бадаллар ҳисобланадиган иш ҳақи (даромади)нинг 2,5%и миқдорида белгиланган (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-744-сон қарорининг 3-банди). Октябрь ойи учун мажбурий сугурта бадаллари ажратмаси ходимнинг барча иш ҳақи суммаси – 135 000 сўмдан ундирилади. Ажратма суммаси 3 375 сўмни (135 000 x 2,5%) ташкил этади.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ушлаб қолинганидан кейин октябрь ойи учун қўлга берилган иш ҳақи суммаси:

135 000 – 17 550 – 3 375 = 114 075 сўмни ташкил этади.

II МИСОЛ. Корхона ходими октябрь ойи учун 270 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-октябрь ойлари учун жами даромади 2 265 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида 313 495 сўм солиқ ушланган.

Унинг октябрь ойидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-октябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (2 265 000 сўм даромаддан):

315 442,5 + (2 265 000 – 2 102 950) x 25% = 355 955 сўм.

2. Октябрь ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

355 955 – 313 495 = 42 460 сўм.

3. Январь-октябрь ойлари учун ШЖБПХга иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбу-

рий ушланмалар суммаси 22 650 сўмни (2 265 000 x 1%) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида 19 950 сўм ушлаб қолинган, октябрь ойида 2 700 сўм (22 650 – 19 950) ушланиши лозим.

4. Октябрь ойи учун бюджетга 39 760 сўм (42 460 – 2 700) даромад солиғи ўтказилади.

III МИСОЛ. Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходими (масалан, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар) октябрь ойи учун 270 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-октябрь ойлари учун жами даромади 2 265 000 сўмни (200 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000 + 270 000) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида ушлаб қолинган солиқ суммаси 170 139,9 сўмни ташкил этади.

Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг 4 бараварига тенг даромад суммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-октябрь ойлари учун солиқ солинмайдиган жами даромади қуйидагидек ташкил этади: 4 x 210 295 = 841 180 сўм.

Унинг октябрь ойи учун иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:

1. Йил бошидан буён солиқ солинадиган даромад аниқланади:

2 265 000 – 841 180 = 1 423 820 сўм.

2. Январь-октябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 423 820 сўм даромаддан):

164 030,1 + (1 423 820 – 1 261 770) x 18% = 193 199,1 сўм.

3. Октябрь ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

193 199,1 – 170 139,9 = 23 059,2 сўм.

4. Январь-октябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ажратмалар суммаси 14 238,2 сўмни (1 423 820 x 1%) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида 12 539,8 сўм ушлаб қолинган, октябрь ойида 1 698,4 сўм (14 238,2 – 12 539,8) ушланиши лозим.

5. Октябрь ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 39 760 сўмга (42 460 – 2 700) тенг.

диган даромад солиғи суммаси 21 360,8 сўмга (23 059,2 – 1 698,4) тенг.

IV МИСОЛ. Ходимга октябрь ойи учун 270 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 50 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган. Май ойида муҳим шахсий воқеа муносабати билан унга 400 000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдорида бўлган суммадаги совғаларнинг қийматига, яъни мазкур ҳолатда 18 630 x 6 = 111 780 сўмга солиқ солинмайди.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммасига, яъни мазкур ҳолатда 20 865 x 12 = 250 380 сўмга жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи солинмайди.

Ходимнинг январь-октябрь ойларидаги жами даромади 2 715 000 сўмни (200 000 + 50 000 + 200 000 + 200 000 + 225 000 + 225 000 + 400 000 + 225 000 + 225 000 + 270 000 + 270 000) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида 350 900 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад: 2 715 000 – (50 000 + 250 380) = 2 414 620 сўмга тенг.

2. Январь-октябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (2 414 620 сўм даромаддан):

315 442,5 + (2 414 620 – 2 102 950) x 25% = 393 360 сўм.

3. Октябрь ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

393 360 – 350 900 = 42 460 сўм.

4. Январь-октябрь ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида мажбурий ажратмалар суммаси 24 146,2 сўмни (2 414 620 x 1%) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида 21 446,2 сўм ушлаб қолинган, октябрь ойида 2 700 сўм (24 146,2 – 21 446,2) ушланиши лозим.

5. Октябрь ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 39 760 сўмга (42 460 – 2 700) тенг.

V МИСОЛ. Ходимга октябрь ойи учун

РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

— транспортнинг барча турларида юк ташиш
— юкларни «эшиқдан эшиқкача» етказиб бериш
— импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

УШБУ СОНДА:


- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
— Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**
- БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ
— 2008 йилнинг октябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинмайдиган солиқ ҳисоб-китоби
— Валюталар курси **2-3-бетлар**
- БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР
— Пиводан умумбелгиланган солиқлар тўланади
— Чекларни рестораннынг ўзида текширинг
— Дон билан ҳисоб-китоб қилди **4-бет**
- ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

- Огоҳлантириб қўй: тежамоқчиман
— Ноанъанавий саволлар **5-бет**
- ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ
— Коррупцияга қарши йўриқнома 6-бет
- ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
— Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
— «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»
— Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
— «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастури тўғрисида».

- Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
— ЎзР адлия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;
— ЎзР МВ, ДСК, ДБҚнинг «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
— ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшил-

- ган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;
— ЎзР Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
2008 йил III чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати.
7-12-бетлар
- БИЗНЕС-ПАНОРАМА **13-16-бетлар**

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН ҲИСОБ-КИТОБИ



270 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 150 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган. Унинг аризасига биноан сентябрь ойида унга бола туғилиши муносабати билан 200 000 сўм миқдоридида моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдори-гача бўлган суммадаги совғаларнинг қийма-тига, яъни мазкур ҳолатда $18\ 630 \times 6 = 111\ 780$ сўмга солиқ солинмайди.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 бараваригача мидорда берил-диган моддий ёрдам суммасига, тегишин-ча $25\ 040 \times 12 = 300\ 480$ сўмга жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ со-линмайди.

200 000 сўм миқдоридидаги моддий ёрдам суммаси имтиёзли миқдордан ошмаганли-ги сабабли, бутун суммани солиқ солинадиган даромаддан чегириб ташлаймиз.

Ходимнинг январь-октябрь ойларидаги жами даромади 2 615 000 сўмни ($200\ 000 + 150\ 000 + 200\ 000 + 200\ 000 + 225\ 000 + 225\ 000 + 225\ 000 + 225\ 000 + 270\ 000 + 200\ 000 + 270\ 000$) ташкил эта-ди. Январь-сентябрь ойлари учун 323 050 сўм солиқ ушланган. Октябрь ойи учун солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Йил бошидан буён солиқ солинадиган даромад:
 $2\ 615\ 000 - 111\ 780 - 200\ 000 = 2\ 303\ 220$ сўмга тенг.

2. Январь-октябрь ойлари учун солиқ сум-маси аниқланади ($2\ 303\ 220$ сўм даромад-дан):

$315\ 442,5 + (2\ 303\ 220 - 2\ 102\ 950) \times 25\% = 365\ 510$ сўм.

3. Октябрь ойидаги даромадлардан уш-ланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқ-ланади:

$365\ 510 - 323\ 050 = 42\ 460$ сўм.

4. Январь-октябрь ойлари учун шахсий жа-мғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ажратмалар суммаси 23 032,2 сўмни ($2\ 303\ 220 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида 20 332,2 сўм ушлаб қолинган, ок-

тябрь ойида 2 700 сўм ($23\ 032,2 - 20\ 332,2$) ушланиши лозим.

5. Октябрь ойи учун бюджетга ўтказила-диган даромад солиғи суммаси 39 760 сўмга ($42\ 460 - 2\ 700$) тенг.

VI МИСОЛ. Ходимга октябрь ойи учун 270 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани му-носабати билан аризасига биноан унга ян-варь ойида 250 000 сўм миқдоридида моддий ёрдам берилган. Оила аъзоси вафот этган-лиги муносабати билан июнь ойида 350 000 сўм миқдоридида моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бан-дига кўра қуйидаги моддий ёрдам суммалари жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдориди;

бошқа ҳолатларда – энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдориди.

Ходимнинг январь-октябрь ойлари учун жами даромади 2 865 000 сўмни ($200\ 000 + 250\ 000 + 200\ 000 + 200\ 000 + 225\ 000 + 225\ 000 + 225\ 000 + 225\ 000 + 270\ 000 + 270\ 000$) ташкил эта-ди. Январь-сентябрь ойлари учун 320 105 сўм солиқ ушланган.

Солиқ қуйидаги тартибда ушланади:

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солина-диган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

$18\ 630 \times 12 = 223\ 560$ сўм;
 $20\ 865 \times 20 = 417\ 300$ сўм.

Ходимнинг оила аъзоси вафот этганли-ги муносабати билан тўланган 350 000 сўм миқдоридидаги моддий ёрдам суммаси имти-ёзли миқдордан ошмаслиги сабабли, солиқ солинадиган даромаддан барча суммани чи-қариб ташлаймиз.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқ-лаймиз:

$2\ 865\ 000 - 223\ 560 - 350\ 000 = 2\ 291\ 440$ сўм.

3. Январь-октябрь ойлари учун солиқ сум-масини аниқлаймиз ($2\ 291\ 440$ сўм даромад-дан):

$315\ 442,5 + (2\ 291\ 440 - 2\ 102\ 950) \times 25\% = 362\ 565$ сўм.

4. Октябрь ойи учун даромадлардан уш-ланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқ-ланади:

$362\ 565 - 320\ 105 = 42\ 460$ сўм.

5. Январь-октябрь ойлари учун шахсий жа-мғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ажратмалар суммаси 22 914,4 сўмни ($2\ 291\ 440 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-сен-тябрь ойларида 20 214,4 сўм ушлаб қолин-ган, октябрь ойида 2 700 сўм ($22\ 914,4 - 20\ 214,4$) ушланиши лозим.

6. Октябрь ойи учун бюджетга 39 760 сўм ($42\ 460 - 2\ 700$) даромад солиғи ўтказила-ди.

VII МИСОЛ. Ходимга октябрь ойи учун 270 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани му-носабати билан унинг аризасига биноан апрель ойида унга 300 000 сўм миқдоридида моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бан-дига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 бараваригача миқдорда берил-диган моддий ёрдам суммасига жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ со-линмайди.

Ходимнинг январь-октябрь ойлари учун жами даромади 2 565 000 сўмни ($200\ 000 + 200\ 000 + 200\ 000 + 225\ 000 + 300\ 000 + 225\ 000 + 225\ 000 + 225\ 000 + 270\ 000 + 270\ 000$) ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида 325 900 сўм солиқ ушланган.

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солина-диган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

$20\ 865 \times 12 = 250\ 380$ сўм.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқ-лаймиз:

$2\ 565\ 000 - 250\ 380 = 2\ 314\ 620$ сўм.

3. Январь-октябрь ойлари учун солиқ сум-масини аниқлаймиз ($2\ 314\ 620$ сўм даромад-дан):

$315\ 442,5 + (2\ 314\ 620 - 2\ 102\ 950) \times 25\% = 368\ 360$ сўм.

4. Октябрь ойи учун даромадлардан уш-ланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқ-ланади:

$368\ 360 - 325\ 900 = 42\ 460$ сўм.

5. Январь-октябрь ойлари учун шахсий жа-мғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридида мажбурий ажратмалар суммаси 23 146,2 сўмни ($2\ 314\ 620 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-сентябрь ойла-рида 20 446,2 сўм ушлаб қолинган, октябрь ойида 2 700 сўм ($23\ 146,2 - 20\ 446,2$) уш-ланиши лозим.

6. Октябрь ойи учун бюджетга 39 760 сўм ($42\ 460 - 2\ 700$) даромад солиғи ўтказила-ди.

VIII МИСОЛ. Корхона ходимига октябрь ойи учун 270 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.

Корхона раҳбарининг буйруғига биноан январь-октябрь ойлари учун унга хизмат са-фарларида «Нексия» русумли шахсий авто-мобилидан белгиланган тартибда фойдалан-ганлик учун компенсация тўланди. Компен-сациянинг ҳар ойлик миқдори ЭКИХнинг 5 бараварига тенг. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан молияланадиган ташкилотларда хизмат энгил автотранспортларида фойда-ланишни тартибга солиш тўғрисида» қаро-ри (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бан-дида ойлик компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган. «Нексия» русум-ли автомобиллар учун у энг кам иш ҳақи миқ-дорининг 5 бараварига тенг.

Солиқ кодекси 174-моддасининг 11-бан-дига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида да-ромадга киритиладиган компенсация тўлов-лари жумласига хизмат ишлари учун ходим-нинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақ-садлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ор-тиқча фойдаланганлик учун тўловлар кири-тилади.

Октябрь ойи учун компенсация миқдори 125 200 сўмни ($25\ 040 \times 5$) ташкил этади ва белгиланган чегараланган миқдордан ошмай-ди. Январь-октябрь ойлари учун умумий ком-пенсация суммаси 1 051 475 сўмдан ($93\ 150 + 93\ 150 + 93\ 150 + 104\ 325 + 104\ 325 + 104\ 325 + 125\ 200 + 125\ 200$) иборат.

Январь-октябрь ойлари учун жами даро-мад 3 316 475 сўмни ($200\ 000 + 93\ 150 + 200\ 000 + 93\ 150 + 225\ 000 + 104\ 325 + 225\ 000 + 104\ 325 + 225\ 000 + 104\ 325 + 225\ 000 + 104\ 325 + 270\ 000 + 125\ 200 + 270\ 000 + 125\ 200$) ташкил этади. Январь-сен-тябрь ойларида 313 495 сўм солиқ ушлан-ган.

Ходимнинг январь-октябрь ойларидаги да-ромадидан солиқ қуйидаги тартибда уш-ланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:

$3\ 316\ 475 - 1\ 051\ 475 = 2\ 265\ 000$ сўм.

Кейинги ҳисоб-китоб Ўттизликдаги тар-тибда амалга оширилади.

Ҳисоб-китобни эксперт,

Солиқ маслаҳатчилари

палатасининг аъзоси

Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ

тайёрлади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 21 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга

1 Австралия доллари	935,48	1 Малайзия ринггити	380,70
1 Англия фунт стерлинги	2326,57	1 Польша злотийси	509,19
1 Дания кронаси	242,47	1 СДР	2038,15
1 БАА дирҳами	365,14	1 Туркия лираси	893,93
1 АҚШ доллари	1340,81	1 Швейцария франки	1182,37
1 Миср фунти	240,72	1 ЕВРО	1806,21
1 Исландия кронаси	11,96	10 Жанубий Корея вони	10,28
1 Канада доллари	1133,97	10 Япония иенаси	131,75
1 Хитой юани	196,34	1 Россия рубли	51,08
		1 Украина гривнаси	270,12

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	22.10.2008	1	0,8112	1	1,0414	1	0,0302
Арманистон	22.10.2008	1	308,68	1	398,14	1	11,47
Беларусь	23.10.2008	1	2114,00	1	2718,50	1	78,52
Грузия	21.10.2008	1	1,412	1	1,9038	1	0,0542
Қозғоғистон	23.10.2008	1	119,79	1	154,47	1	4,45
Қирғизистон	18.10.2008	1	37,8147	1	50,8419	1	1,4405
Латвия	23.10.2008	1	0,547	1	0,702804	1	0,0204
Литва	23.10.2008	1	2,6839	1	3,4528	10	9,9701
Молдова	22.10.2008	1	10,3038	1	13,6175	1	0,3879
Тожикистон	22.10.2008	1	3,402	1	4,5668	10	1,2866
Ўзбекистон	21.10.2008	1	1340,81	1	1806,21	1	51,08
Украина	22.10.2008	100	501,00	100	660,5184	10	1,8947
Эстония	22.10.2008	1	12,1296	1	15,6466	1	0,451152

Манба: www.prime-tass.ru

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА

2008 йил 21 октябрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1348,00	1350,00	1807,00	1833,00
"Асака" банки	1346,00	1348,00	1807,00	1812,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"	1347,00	1349,00	1809,00	1824,00
"Пахта Банк"	1348,00	1350,00	1815,00	1820,00
"Халқ банк"и	1346,00	1348,00	1807,00	1820,00
"Ипотекабанк"	1346,00	1348,00	1810,00	1820,00
"Микрокредитбанк"	1348,00	1350,00	1823,00	1834,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1346,00	1350,00	1788,00	1809,00
"UzKDBбанк"	1346,00	1350,00	1807,00	1822,00
"Фаллабанк"	1347,00	1349,00	1807,00	1816,00
"Трастбанк"	1348,00	1350,00	1807,00	1818,00
"Алп Жамол банк"	1346,00	1349,00	1807,00	1812,00
"Алоқабанк"	1347,00	1349,00	1815,00	1830,00
"Ў-Т банк"	1346,00	1350,00	1807,00	1827,00
"Туронбанк"	1348,00	1350,00	1807,00	1820,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1347,00	1349,00	1807,00	1830,00
"Ипак йўли" банки	1348,00	1350,00	1810,00	1820,00
"Туркистон" банк	1348,00	1350,00	1806,00	1808,00
"Даврбанк"	1346,00	1349,00	1807,00	1827,00
"Кредит-Стандарт" банки	1348,00	1350,00	1807,00	1833,00
"Капитал банк"	1348,00	1350,00	1806,30	1833,00
"Содерат банк"	1348,00	1350,00	1807,00	1833,00
"Ҳамкорбанк"	1348,00	1350,00	1810,00	1850,00
"Универсалбанк"	1346,00	1350,00	1813,00	1818,00
"Равнақбанк"	1348,00	1350,00	1807,00	1833,00

"Банк ахборотномаси" 43 (650)-сон, 2008 йил 22 октябрь.


ПИВОДАН УМУМБЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАР ТЎЛАНАДИ

? Масъулияти чекланган жамият (ХХТУТ 18144 – пиво тайёрлаш) 1 литри таркибида алкоголь улушининг ҳажми 6% бўлган кучсиз алкогольли пиво чиқаришни мўлжаллапти. Бироқ пиво алкогольли маҳсулот ҳисобланмайди (АВ томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6-банди).

1. Биз солиқларни умумбелгиланган тартибда тўлашимиз керакми ва қайси солиқларни тўлашимиз ёки ягона солиқ тўловини тўлашда давом этсак бўладими?

2. Ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар учун акцизланадиган маҳсулот (бизнинг ҳолатда – пиво) ишлаб чиқараётганда акциз солигини тўлаш тартиби сақланадими?

МЧЖ бош бухгалтери.



– Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 2008 йил 31 январдан ўз кучини йўқотган.

2008 йил 1 январдан бошлаб, 2007 йил 25 декабрдаги ЁРҚ-136-сон Қонун билан тасдиқланган янги Солиқ кодексининг 350-моддасига кўра, ягона солиқ тўлови акцизланадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди. Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига 12-1-иловага мувофиқ пиво акцизланадиган маҳсулот ҳисобланиши боис, сиз ягона солиқ тўловини тўлай олмайсиз ва умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишингиз керак.

ЧЕКЛАРНИ РЕСТОРАННИНГ ЎЗИДА ТЕКШИРИНГ

? Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларининг (ЎЗР Президентининг 2007 йил 16 мартдаги «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-605-сон қарорига 2-илова) 6-бандига кўра алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш фақат юридик шахс томонидан ҳимояланган фискал хотирани назорат-касса машинасидан ушбу мақсадлар учун махсус фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Мазкур талаб алкогольли маҳсулотни идишларга қуйиб сотадиган ва фаолият тури бўйича умумий овқатланиш корхоналарига қирадиган (ХХТУТ 71300) рестороанларга татбиқ этиладими?

Н.Наимов.

– Мулкчиликнинг барча шакллари тааллуқли бўлган, аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар назорат-касса машиналари (НКМ)ни қўллаш

лари шарт (Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида низом, АВ томонидан 1995 йил 15 февралда 124-сон билан рўйхат-



дан ўтказилган, бундан бунён-Низом). Рўйхати Низомга иловада келтирилган айрим тоифалардаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга бундай ҳисоб-китобларни НКМни қўлламасдан бажаришга рухсат берилган.

Умумий овқатланиш корхоналари учун, бундан умумтаълим мактабларининг ошхона ва буфетлари мустасно, шу жумладан алкогольли маҳсулотларни идишларга қуйиб сотадиган рестороанлар учун ҳам НКМни қўллаш мажбурийдир. Бунда алкогольли маҳсулотларга доир ҳисоб-китоблар учун алоҳида машина ўрнатиш талаб қилинмайди.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

СОЛИҚ СОЛИШ

Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

Сотиб олиш маралалари бўйича куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

● РЕКЛАМА


ЯНГИ КАБУЛ ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ»

«СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»

расмий даврий нашрида.



Журналга обуна бўлиш орқали сиз янги қонунлар, Президент фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари расмий матнларини тезкор равишда олиш имконини қўлга киритасиз.

Журналга куйидаги йўллар билан обуна бўлиш мумкин:

- ➔ барча почта бўлимларида, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ва унинг жойлардаги бўлимларида,
- ➔ «NORMA» нашриетида – тел. 244-4429, 244-1899, 244-8917;
- ➔ «BTL ARZI MEDIA» МЧЖда – тел. 150-3050, 239-4737;
- ➔ «INTER-PRESS» МЧЖда – тел. 199-0000, 244-2221; 119-8383, 155-0955,
- ➔ шунингдек даврий нашрларни тарқатувчи бошқа ташкилотларда.



Нашр
индекси
949

Батафсил маълумотларни
Адлия вазирлигининг 233-7328
телефони орқали олиш мумкин.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

**АМАЛИЙ
БУХГАЛТЕРИЯ**

Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

Сотиб олиш маралалари бўйича куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:

ДОН БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛДИ

? «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 88-сон қарорида кўрсатилишича, меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларга меҳнат ҳақи натура шаклида тўланиши мумкин.

Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тартиби қандай эканлигини тушунтириб берсангиз. Улардан даромад солиғи қандай ушланади ва қайси қонун ҳужжатларига биноан бюджетга ўтказилади?

Ф.Бўриқулов,
фермер хўжалиги раҳбари.

– Фақат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзлари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ходимларнинг ёзма аризасига кўра, башарти ягона ижтимоий тўлов, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг мажбурий сугурта бадаллари тўланиши бўйича қарзлар бўлмаса, иш ҳақини натура шаклида тўлашлари мумкин (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 88-сон қарори 1-банди).

Натура шаклида тўланадиган иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад деб эътироф этилади ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган объект ҳисобланади (Солиқ кодексининг 172-моддаси, бундан кейин – СК). Уни тўлаётганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ушбу суммадан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолиб, солиқ солинадиган базани жисмоний шахсларнинг даромад олиш санасидаги бозор шартномавий нархларидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилишлари керак. Натура шаклида олинган даромадлардан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби иш ҳақи пул шаклида тўланадиган тақдирдаги тартибга ўхшашдир. Яъни уни ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари зиммасига юкланади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоб-китоби ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиқиб даромад ҳисоблаб ёзилишининг боришига қараб йил бошидан ўсиб боровчи яқун билан амалга оширилади. Ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасини тўлаш тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугганидан кейин беш кун ичида амалга оширилади (СК 188-моддаси).

МИСОЛ.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси ўз ходимига сентябрь учун иш ҳақини 1 кг учун 150 сўм ҳисобида 1 500 кг буғдой кўринишида тўлайди. Маҳсулот таннари 1 кг учун 120 сўмни ташкил қилган. Ходимнинг сентябрь учун иш ҳақи 225 минг сўм бўлди. Унинг январь-сентябрь ойларидаги жами даромади 1 825 минг сўмга тенг. Январь-август ойлари учун 239 935,5 сўм даромад солиғи ушлаб қолинган.

Ходимнинг иш ҳақидан сентябрь учун даромад солиғи куйидаги тартибда ушлаб қолинади:

1. Январь-сентябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (сентябрь учун шкала бўйича ҳисобланади):
144 498,9 + (1 825 000 – 1 111 530) × 18% = 272 923,5 сўм,

бу ерда 1 111 530 – январь-сентябрь ойлари учун жами энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдори;
144 498,9 – жами энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоридан сентябрь ойи учун шкала бўйича ҳисобланган солиқ.

2. Сентябрь учун даромадлардан ушланадиган солиқ суммаси аниқланади:

272 923,5 – 239 935,5 = 32 988 сўм.
3. Январь-сентябрь ойлари учун иш ҳақидан 1% миқдоридан ШЖБПҲга мажбурий ушланмалар суммаси 18 250 сўмни (1 825 000 × 1%) ташкил қилади. Январь-август ойлари учун 16 000 сўм ушланган, сентябрда 2 250 сўм (18 250 – 16 000) ушлаб қолиниши керак.

4. Сентябрь учун бюджетга 30 738 сўм даромад солиғи (32 988 – 2250) ўтказилиши керак.

5. Ҳисобланган иш ҳақидан 2,5%лик ставка бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг мажбурий сугурта бадаллари суммаси сентябрь учун 5 625 сўмни (2 250 000 × 2,5%) ташкил қилади.

Бухгалтерия ҳисобида ходимга иш ҳақини натура шаклида тўлаш куйидаги провотдалар билан акс эттирилади:

№	Ҳўжалик операцияси мазмуни	Сумма (минг сўм)	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Сентябрь учун иш ҳақи ҳисобланди	225,0	2010, 2310, 2510, 9410-9430	6710
2	Сентябрь учун жисмоний шахслар даромадига солиқ ҳисобланди	32,988	6710	6410
3	ШЖБПҲга 1% ҳисобланди	2,250	6410	6530
4	Иш ҳақидан сугурта бадаллари ушланди	5,625	6710	6520
5	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳақиқий таннари ҳисобдан чиқарилди (120 × 1 500)	180,0	9110	2810
6	Иш ҳақи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан берилди	186,387	6710	9010
7	Реализация бўйича молиявий натижа акс эттирилади	180,0 186,387	9910 9010	9110 9910

Тушунтиришлар «Norma Ekspert»
гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.

ОГОҲЛАНТИРИБ ҚЎЯЙ: ТЕЖАМОҚЧИМАН

? Ташкилотимиз хоналарни таъмирлаш ва мижозлар сонини камайитириш муносабати билан электр энергиясини тежади. Истеъмол қилинган энергоресурслар учун ҳисобот топширилади ва энергия билан таъминловчи ташкилот кам ишланганлик учун сўралган лимитнинг 5% миқдорида бизга жарима ёзди, бунда у «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига асосланди. Бундай ҳаракатлар қонунийми? Агар қонуний бўлса, тежаш мумкин эмас эканда. Демак, шартномада назарда тутилган электр энергияси миқдорини тўлиқ ҳажмда арфлашимиз керакми? Саволларимизга жавоб берсангиз.

«Ko'zgu chiroy» МЧЖ.

– Маълумки, истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш улар билан энергия таъминоти ташкилотлари ўртасида календарь йилга тузиладиган, берилган буюртманомаларга мувофиқ чоракларга тақсимланган бевосита шартномалар бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Ўздавэнерго назорат бошлигининг АВ томонидан 2005 йил 11 январда 1440-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган, бундан кейин – Низом) 2-бандига

қўра электр энергияси истеъмолчилари (аҳолидан ташқари) жорий йилнинг 15 сентябрига қадар энергетика тармоқларига истеъмолчининг электр қурилмалари уланган электр билан таъминловчи ташкилотга келгуси йилга электр энергиясининг прогноз қилинаётган истеъмол ҳажмига буюртманома бериб, уни чораклар бўйича бўлиб кўрсатадилар. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг 3-бандига қўра келгуси йилга энергоресурсга эҳтиёжини белгилаш чоғида истеъмолчилар:

– электр тармоқларида уни ташишга;

– чиқарилаётган маҳсулот (иш турлари)нинг технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига;

– ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларни ёритиш;

– иситиш;

– ҳавосини алмаштиришга энергия сарфини;

– абонент истеъмолчиларнинг тармоқларига уланган ёрдамчи абонентларнинг эҳтиёжига электр энергияси сарфини ҳисобга олишлари керак.

Табиийки, буюртманомани шакллантираётганда барча жиҳатларни ҳисобга олиш ва келгуси йилда хўжалик юритувчи субъектга керак бўладиган электр энергияси миқдорини белгилаш мушкул. Агар истеъмолчи тегишли даврда электр энергиясини шартномада назарда тутилганидан 5-10 фоиз кўп ҳажмда сарфласа, унга нисбатан ҳисоб-китоб даврида шартномада кўрсатилган ҳажмдан ортиқча истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 50% миқдорида ва шартномада кўрсатилган ҳажмдан ортиқча 10 фоиздан кўп истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 100% миқдорида жарима жазоси қўланади (Низом 20-бандининг биринчи хатбоши).

Бир чорак учун электр энергияси истеъмолчидан шартномавий миқдорнинг 5 фоизидан кўп бўлган миқдорда кам олинган тақдирда, Низомнинг 21-бандига қўра «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси билан белгиланган жарима ундирилади.

Бироқ жарима жазоси қўлланишининг олдини олиш мумкин. Чунончи, Низомнинг 22-бандига қўра тахмин қилинаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун аввал (жорий ой туғашига қадар) истеъмолчининг таклифига қўра киритилган ва агар электр энергиясининг тегишли ҳажми учун олдиндан ҳақ тўланган бўлса, электр энергиясининг шартномавий ҳажмларини ўзгартиришлар кам ёки ортиқча ҳажм деб ҳисобланмайди. Ўрни агар ташкилот бирор-бир сабабларга қўра электр энергиясини қисқартиришни режалаштирса, у бундан энергия таъминоти ташкилотини тахмин қилинаётган қисқартиришдан камида 10 кун аввал хабардор қилиши ва электр энергиясининг истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган ҳажми учун олдиндан ҳақ тўлаши керак. Бу ҳолда жарима жазоси қўлланмаслиги керак.

Артём АДЕЕВ,

«Норма» МЧЖ эксперт юристи.

Ноанъанавий саволлар

КАМОМАДГА ҚАРШИ КУРАШИШ

? Улгуржи корхонамиз учун мол етказиб берувчилар айби билан юзага келган камомад бир офатдек гап. Унга қарши қандай курашса бўлади?

– Мол етказиб берувчи товарни белгиланганидан камроқ ёки кечикиб олиб келди, маҳсулотнинг бир қисми яроқсиз бўлиб чиқди, кузатув ҳужжатлари йўқотилган ёки нотўғри тузилган... Бундай вазиятлар ҳаммага таниш бўлса керак?

Аниқланган ҳар бир камомад бўйича низолашмаслик учун етказиб берувчи билан тузиладиган шартномага бир нечта «химояловчи» шартларни олдиндан киритиш лозим. Масалан, унда кўрсатилган

товарга бўлган аниқ талаблар (етказиб бериш муддатлари ва миқдори), камомад билан етказиб берилганлиги учун жарималар, одатда, ҳамкорни интизомга чақиради.

Бундан ташқари, шартномада товар фақат кузатув ҳужжатлари билан бирга етказиб берилиши (ва қабул қилиниши) ҳақида банд ҳам бўлиши лозим. Далолатнома ва юкхатлар товар сифати, сони ва асортименти текширилганидан кейингина имзоланиши тўғрисида алоҳида гаплашиб олиш керак.

Агар мол етказиб берувчи доимо пала-партиш бўлса, қатъиятли бўлинг. Товар сизга қанчалик керак бўлмасин, уни қабул қилишдан бош тортишдан чўчиманг. Агар етказиб берувчи камомад унинг айби эканлигини тан олса, у етишмаётган позицияларни олиб келиб бериши ёки сизнинг розилигингиз билан уларни бошқа товарлар билан «ёпиши» лозим. Бундай чоралар фирмани нопок етказиб берувчилардан химоя қилади.



ХАТАРСИЗ ИШ

? Ходимларни техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга мажбурлашга уринсак-да, улар барибир қоидаларни бузишади. Нима қилсак бўлади?

– Аввало ходимлар қоидаларни билиши, англаши ва уларни ёд олганликларига ишонч ҳосил қилиш керак. Режалаштирмасдан туриб имтиҳон ўтказиш мумкин, ундан ўтолмаганларни ишга қўймаслик керак. Агар бу уларнинг иш ҳақига таъсир қилса, барча йўриқномаларни бир зумда ўзлаштириб олишади.

Агар кишилар хавфсизлик техникаси қоидаларини билиб туриб, унга риоя қилмасалар – бу бошқа масала. Буни ёддан чиқариш ёхуд уларнинг нуқтаи назаридан кераксиз бўлган таомилларга вақт кетказишни хоҳлашмаслик дейиш мумкин. Мазкур ҳолатда шикастлини ҳолатларини кутмасдан, қатъий назорат ўрнатиш ва айбдорларни жазолаш, бирийўла уларнинг раҳбарларини ҳам молиявий жазага тортиш лозим. Кўп ҳолларда бу усул иш беради.

Бироқ қоидабузарликлар сабаблари тасодифий бўлиши ҳам мумкин. Чунончи, қурилиш фирмасининг айрим монтажчилари ажал билан ўйнашишни ёқтиришса керак – ўзларини моҳир чавандозлардек тутишди. Компания мутахассислари таҳлил ўтказишди ва ишчилар учун компетенциялар моделини тузишди ҳамда бу орқали хатар гуруҳини аниқлашга муваффақ бўлишди. Натияжада бундай моҳирларни баландлик билан боғлиқ бўлмаган бошқа участкаларга ўтказишди.

Бизнесда муаммога дуч келдингизми?

Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга, шунингдек етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. Шу руқни остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун «Норма маслаҳатчи» жавоб бермайди.

РЕКЛАМА

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали нархлари ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2008 йил 7 ноябрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й.Бобононов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига қуйидаги мулклар қайта қўйилмоқда:

I. Хоразм вилоят хўжалик судининг 04.01.2008 йил 8023н-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Хоразм автойўл» махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонасига қарашли бўлган қуйидаги мулклар:

1. Урганч шаҳар Обводная (Бинокор) кўчаси, 1-йўлак, 8-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони – 1382,27 кв.метрни ташкил қилган, 20 кишилик меҳмонхона типиде қурилган 2 қаватли турар жой биноси бошланғич баҳоси 20 фоизга арзонлаштирилган ҳолда қайта қўйилмоқда.

Жорий бошланғич баҳоси – 422 209 219 сўм.

2. Урганч-Хива йўлининг 1 километрида жойлашган, 2 қаватли 3 корпусдан иборат меҳмонхона биноси ва ёрдамчи хўжаликлари (янги меҳмонхона биноси, меҳмонхона биноси ва бостирмаси, соғломлаштириш комплекси ва дам олиш биноси, гараж биноси ва бостирмаси, қоровулхона биноси, қозонхона биноси, ёрдамчи биноси, омборхона биноси, колбаса цехи биноси, кўйхона, молхона бинолари ва бостирмаси, темир бостирма, беседка, бассейн, асфальт майдон, девор, фонтан, дарвоза, туалет, фонарь ва трансформатордан иборат) мажмуаси бошланғич баҳоси 2 фоизга арзонлаштирилган ҳолда қайта қўйилмоқда.

Жорий бошланғич баҳоси – 319 246 903 сўм.

II. Хоразм вилоят хўжалик судининг 24.12.07 йил 10308-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Туямуён Урганч» минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли, Урганч шаҳар Ал-Беруний кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони – 14296,65 кв.метрни, шундан қурилиш ости ер майдони – 545,91 кв.метрни ташкил қилган, 3 қаватли маъмурий бино ҳамда ёрдамчи бинолари.

Бошланғич баҳоси – 199 071 712 сўм.

III. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 17.12.2007 йил 1498-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 97-уйда жойлашган, «Урганч йўловчаташиш» ОАЖга тегишли бўлган, қурилиш ости ер майдони – 447,32 кв.метрни ташкил қилган 2 қаватли маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси – 208 534 160 сўм.

IV. Хоразм вилоят хўжалик судининг 2007 йил 16 мартдаги 370-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразм вилоят МТП бирлашмаси» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли бўлган ва Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 36/2-уйда сақланаётган қуйидаги мулклар:

1. Магнум-8940 русумли 1997 йил ишлаб чиқарилган 15-73 ЕН давлат белгилли техник соз ҳолатидаги трактор.

Бошланғич баҳоси – 69 523 200 сўм.

2. Магнум-8940 русумли 1998 йил ишлаб чиқарилган 15-74 ЕН давлат белгилли техник соз ҳолатидаги трактор.

Бошланғич баҳоси – 70 416 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиш таниши мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Савдо ташкилотчиси» – РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт:

20210000700571452056, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63, факс: 226-43-64. Лицензия: ДВ 001 N 000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

ҲАММА ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШГА

Парламентнинг ҳар йилги сессияси – Халқ вакилларининг Бутунхитой йиғилишида бутун мамлакатдан уч минг делегат иштирок этди. ХХР Давлат кенгаши бош вазири Вэнь Цзя-бао йиғилишни очаркан, маъруза билан чиқди, унда мамлакатда инфляция суръатларининг ўсиб бораётганидан хавотирда эканлигини билдирди. Унинг маълум қилишича, бу муаммони ҳал этишнинг фақат бир йўли бор, бу ҳам бўлса – иқтисодий ўсишни сусайтириш йўли билан нархларни ушлаб туриш. Шунингдек, у нархларнинг ўсиши аҳоли томонидан салбий қабул қилинаётганлигини таъкидлаб ўтди. Шу муносабат билан Хитой ҳукумати мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатларини мазкур йилда 8% даражасигача пасайтиришни режалаштирмоқда. Сўнгги беш йил мобайнида ушбу кўрсаткич икки сонли рақамлар билан ўлчанган. Хитой ҳукуматининг фикрича, бу дастурни амалга ошириш учун дон, мойли экинлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини, етиштириш шунингдек гўшт ва энг зарур товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак, бироқ бунда дондан саноатда фойдаланиш ва унинг экспортини қатъий чеклаш лозим.

Хорижий тажриба

Кўшимча ўсишга солиқ

Англиялик амалдорлар бу йил капиталнинг кўшимча ўсишига янги солиқ жорий қилишни назарда тутишяпти, мазкур солиқ Буюк Британия ҳудудида яшовчи бадавлат хорижликлар зиммасига юкланади. Бугунги кунда улар Бирлашган Қироллик ҳудудида пул ишлашмоқда, бироқ солиқларни офшорларда тўлашади. Бунинг оқибатида миллионлаб фунтлар ҳазинага кирмаяпти. Британия активлари билан операцияларга ҳам солиқ жорий этилади, бу эса трастлар орқали солиқ солинишни четлаб ўтишларга тўсик бўлади. Дарвоқе, кўпчилик экспертларнинг ҳисоблашича, бундай одимлар инвестицияларнинг жозибасига, шунингдек Бирлашган Қироллик имижига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Хорижий матбуот материалларидан.

Қарийб икки йилдан бери Россияда Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида конвенцияси қўлланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенцияси Россия учун 2006 йил июндаёқ кучга кирган эди. Бу эса ички қонун ҳужжатларига ҳам, амалдорлар билан мулоқот қилиш этикети қоидаларига ҳам жиддий ўзгартишлар киритиш заруратини вужудга келтирди.

РОССИЯЧА ТАЛҚИН

Ҳозирги вақтда, РФ Жиноят кодекси (ЖК)га кўра, коррупция тушунчасига 201-модда «Ваколатларни суистеъмол қилиш», 204-модда «Тижорий сотиб олиш», 290-модда «Пора олиш» ва 291-модда «Пора бериш» киради. Бироқ пора олганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш учун бир қатор шартларни бажариш зарур. Аввало фақат пул, қимматли қоғозлар ёки мулк тусдаги нафларни бериш (топшириш, тақдим этиш, юбориш) амалдорни сотиб олиш ёки пора ҳисобланади. Амалдорни сотиб олишнинг куйидаги тури – ушбу бойликларни мансабдор шахс, яъни доимо, вақтинча ёки махсус ваколатга кўра ҳокимият вакили вазифаларини амалга ошираётган ёхуд давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва муниципал муассасаларда, шунингдек РФ қуролли кучлари ва ҳарбий тузилмаларида ташкилий-фармойиш бериш ёки маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажарётган шахс оладиган ҳол пора ҳисобланади.

Пора мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун ҳам, бевосита унинг ваколат доирасига кирадиган, у белгиланган тартибда пора берувчининг ёки у вакил қилган шахсларнинг фойдасига у ёхуд бу ҳаракатни бажаришга ёки, аксинча, ҳеч қандай чоралар кўрмасликка ҳақли бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) учун ҳам олиними мумкин. Агар мансабдор шахс, гарчи пора олувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш учун ваколатларга эга бўлмаса-да, бироқ ўзининг мавқеидан фойдаланиб пора эвазига уларни бошқа мансабдор шахслар содир этиши учун чоралар кўриши (масалан, кўрсатмалар бериши) мумкин бўлса, бундай ҳаракатлар ҳам жиноий жавобгарликка олиб келади. Ундан ҳақ берувчининг шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланиш эса мавқеидан фойдаланиш сифатида қаралиши мумкин эмас ва жиноят таркибини ташкил этмайди.

ЕВРОПАЧА ТАЛҚИН

Ҳолбуки халқаро конвенциялар «коррупция» тушунчасини анча кенг шарҳлайди. Европа Конвенциясига кўра куйидагилар жиноят учун таъқиб қилиниши керак:

- миллий давлат мансабдор шахсларини фаол сотиб олиш, яъни мансабдор шахс ўз вазифаларини бажарётганида атайлаб ҳаракатларни содир этиши ёки уларни содир этишдан тийилишини кўзлаб бирор-бир шахс томонидан муайян давлат мансабдор шахсига унинг ўзи ёки бошқа шахс учун бирор-бир гайриқонуний афзалликнинг бевосита ёки билвосита ваъда қилиниши, таклиф этилиши ёки тақдим қилиниши;
- миллий давлат мансабдор шахсларини пассив сотиб олиш, яъни давлат мансабдор шахсларидан бирортаси томонидан ушбу шахснинг ўзи ёки исталган бошқа шахс учун бевосита ёки билвосита бирор-бир гайриқонуний афзаллик сўралиши ёки олиними ёхуд ушбу мансабдор шахс ўз вазифаларини амалга ошираётганида атайлаб ҳаракатларни содир этиши ёки уларни содир этишдан тийилишини кўзлаб шундай афзаллик таклифи ёки ваъдаси қабул қилиниши;

- миллий давлат йиғилишлари аъзоларини сотиб олиш, яъни қонунчилик ёки маъмурий ваколатларни амалга оширадиган бирор-бир миллий давлат йиғилиши аъзоси ҳисобланувчи исталган шахснинг фаол ёки пассив сотиб олиш;

- хорижий давлат мансабдор шахслари ва хорижий давлат йиғилишлари аъзоларини сотиб олиш, халқаро ташкилотлар мансабдор шахслари ва халқаро парламент йиғилишлари аъзоларини сотиб олиш;

- судьялар, шунингдек суд ходимлари, прокурорлар ва халқаро судларнинг мансабдор шахсларини сотиб олиш;

- хусусий секторда фаол ва пассив сотиб олиш;

- миллий ва хорижий ҳакамлик судьялари ва арбитрларни фаол ҳамда пассив сотиб олиш (Европа конвенциясига Кўшимча баённомага кўра);

- қасамёд қилган (арбитраж) маслаҳатчиларни фаол ва пассив сотиб олиш (Кўшимча баённомага кўра).

Коррупция деганда шунингдек хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, яъни юқорида кўрсатилган шахс томонидан қарор қабул қилинишига ҳақ эвазига гайриқонуний таъсир кўрсата олишини таъкидлайдиган ёхуд тасдиқлайдиган ҳар қандай шахсга, бундай афзаллик унинг ўзига ёки бирор-бир бошқа шахсга афзаллик бериши-бермаслигидан қатъи назар, бевосита ёки билвосита, бирор-бир гайриқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф қилиш ёки тақдим этиш, шунингдек бундай таъсир кўрсатилганидан ва тахминан кўрсатилган таъсир натижасида мақбул натижа олинган-олинмаганлигидан қатъи назар, ҳақ эвазига бундай аф-



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЙЎРИҚНОМА

заллик берилишини илтимос қилиш, таклиф ёки ваъдани қабул қилиш ёки унга розилик билдириш тушунилади.

Юқорида саналган жиноятларнинг барчасидан олинган даромадларни «ҳалоллаш», шунингдек ёлғон ёки тўлиқсиз ахборотни ўз ичига олган ҳисобварақ-фактура ёки бошқа исталган бухгалтерия ҳужжати ёхуд ҳисоботини расмийлаштириш ёки улардан фойдаланиш, агар бухгалтерия ҳужжатларини қалбақлаштириш коррупция билан боғлиқ жиноятларни яширишга қаратилган бўлса, бухгалтерия дафтарларига тўлов операцияларини гайриқонуний равишда киритмаслик ҳам коррупция ҳисобланади. Бунда на давлат чегаралари, на банк сирин коррупционерлар

ҳисобварақларини хатлаш ва улар коррупция йўли билан олган даромадларни мусодара қилиш учун ғов бўлмалиги керак.

Конвенция коррупция учун жавобгарликни манфаатлари йўлида вакили Конвенцияда эслатилган шахсларни фаол сотиб олган юридик шахсларга ҳам таъбиқ этади. Бунинг устига, Конвенция уларнинг раҳбарлари ёки эгалари расман коррупцияга аралашмаган, бироқ улар томонидан назорат йўқлиги сабабли бундай жиноятларни содир этиш имконияти пайдо бўладиган ҳолларда ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутаяди.

Европа Конвенциясининг 18-моддасида алоҳида таъкидланишича, ушбу жиноят турларининг

ХОРИЖДА КОРРУПЦИЯ ДЕБ НИМАЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛАДИ

- **АҚШда**, «Хукуматдаги этика тўғрисида»ги қонунга кўра, давлат хизматчиси мутасадди бўлган соҳа бизнесидан манфаатдорликнинг мавжудлиги коррупциянинг кўриниши ҳисобланади. Нодавлат ташкилотлардан пул мукофотлари олиш тақиқланган. 21 штатда амалдорларнинг илмий ёки ижодий иш учун гонорар олиши тақиқланган, 5 штатда бундай ишлаб топилган ҳақ 50 доллардан 1,5 минг долларгача бўлган суммалар билан чекланган. Федерал амалдорлар гонорар олиш ҳуқуқига эгалар, бироқ 200 доллардан ошадиган даромадларни декларациялашлари шарт. «Адолатли бозор нархи» 50 доллардан ошадиган совға ёки хизматлар, масалан, ресторанда амалдорлар ва уларнинг оилалари учун ҳақи тўланган тушликлар пора деб ҳисобланади. Қариндошлар берадиган совғалар бундан мустасно. 305 доллардан ошадиган хориж совғаларини барча даражадаги амалдорлар давлат архивига топширишлари шарт, уларни истеъфога чиққандан кейин сотиб олишлари мумкин. Депутатлар учун ўз «меъёрлари» ишлаб чиқилган: вакиллар палатасининг аъзоси бир йилда 250, сенатор эса 300 доллардан ортиқ қийматдаги совғаларни олиши мумкин эмас.

- **Канада** давлат хизматчисининг хулқ-атвор кодекси амалдорларга фаолиятини уларнинг идораси бошқарадиган бизнесга эгалик қилишни тақиқлайди. Хизматга кириш олдидан бизнесдан воз кечиш ёки уни хусусий ва давлат манфаатлари ўзаро кесиммаслиги учун қайта ташкил этиш лозим бўлади. Давлат хизматчиларига қиймати пул билан ифодаланиши мумкин бўлган ҳар қандай совғаларни қабул қилиш тақиқланади.

- **Францияда**, Давлат хизматининг бош мақомига кўра, иқтисодиётнинг муайян шубҳасига мутасадди бўлган давлат хизматчилари ушбу шубҳа корхоналарини бошқаришга ҳақли эмаслар. Тақиқ истеъфога чиққандан кейин беш йил мобайнида амал қилади. Қиймати 35 евродан ортиқ бўлган, ҳада қилувчига қайтарилмаган ҳар қандай совғалар «зўраки таъсир ўтказиш» деб эътироф этилади.

- **Буюк Британиянинг** коррупция олдини олиш тўғрисидаги ҳужжати давлат хизматчиларининг ноҳукумат ташкилотлардан мукофотлар олишини тақиқлайди. Қиймати 140 фунт стерлингдан ошмайдиган совғаларни ўзида олиб қолишга ижозат берилмайди.

- **Украинанин** «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонунига кўра давлат хизматчисининг хизмат мавқеидан фойдаланиб аввал-бошдан паст нархларда товарлар, хизматлар, қимматли қоғозларни харид қилиши, ссуда ва кредитлар олиши коррупция деб аталади. 100 гривнадан (20 доллардан) ортиқ қийматдаги ҳар қандай тўхфа пора деб ҳисобланади. Бундан ташқари, Президентнинг фармони билан амалдорларнинг хизмат автомобиллари (92 минг доллар), кабинетларидаги мебель (5,5 минг доллар), иш компьютери (1,4 минг доллар) ва мобил телефонининг (270 доллар) йўл қўйилмайдиган энг юқори қиймати белгиланган. Лимитлардан ошиб кетилиши хизмат текшируви учун асос ҳисобланади.

- **Сингапурда** фуқароларнинг сўров ва шикоятларига муносабат билдиришдан бўйин товлаш коррупциянинг кўриниши ҳисобланади. Агар топширилган совғани коррупцияга қарши агентлик комиссиясининг баҳолашига тақдим этмаса, амалдор пора олган ҳисобланади. Агар комиссия совғани жуда қиммат деб ҳисобласа, у аукционда сотилади, пули эса бюджетга топширилади.

- **Хитойда**, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунга кўра, амалдорнинг қариндошлари молиявий манфаатдор соҳада ишлаши коррупциянинг кўринишларидан бири деб ҳисобланиши мумкин. Ҳар қандай совға, бундан қийматидан қатъи назар китоблар ва майда эсдалик буюмлар мустасно, пора деб эътироф этилади.

- **Австралианин** коррупция тўғрисидаги ҳужжатида давлат бюджетидан ҳақи тўланмайдиган ҳар қандай иш ҳам, амалдорлар ва уларнинг оила аъзоларига ҳар қандай тўхфалар ҳам пора деб ҳисобланади. Илмий ёки ижодий фаолият учун гонорарлар олишга ижозат берилган. Бироқ бундай иш учун хизмат компьютеридан фойдаланиш мумкин эмас.

барчаси учун жиноятчини бошқа мамлакатга ушлаб бериш имконияти назарда тутилиши керак. Бундан ташқари, коррупция учун озодликдан маҳрум қилиш каби жазо чораси назарда тутилиши лозим.

ФАРҚИ НИМАДА?

Шубҳасиз, ўзининг халқаро мажбуриятларини бажариши учун Россия Жиноят кодексини коррупцияга қарши курашиш масалаларида сезиларли равишда модернизациялаши зарур. Биринчидан, сотиб олиш ва поралар учун жавобгарликка тортиш мумкин бўлган шахсларнинг субъект таркибини кенгайтириш керак. Жиноий жавобгарликни Россия қонунчилиги нуқтаи назаридан мансабдор шахслар, яъни улар вакил бўлган орган номидан ҳокимият ваколатларини бажарадиган шахслар ҳисобланмайдиган давлат ва муниципал амалдорларга ҳам таъбиқ этиш лозим. Ҳозир ўзининг бошлиғига махсуслот етказиб берувчини тавсия қилганда ўз манфаатини унутмайдиган менежер Россияда жиноий жавобгарликка тортилмайди – унинг зиммасига бошқарув вазифалари юклатилмаган. Европа Конвенцияси бўйича мажбуриятни бажариш учун эса уни ҳам, уни сотиб олган шахсни ҳам (ҳатто агар у бошқарувчи эмас, балки сотув бўйича оддий менежер бўлса ҳам), унинг сотув бўлими иши бундай қонунга зид йўлга қўйилганлиги учун юридик шахс сифатида махсуслот етказиб берувчини ҳам жиноий жавобгарликка тортиш лозим.

Сотиб олиш тушунчасининг ўзи ҳам қонунчилик даражасида аниқлаштиришни тақозо қилади. Европа Конвенцияси бўйича нафақат пул ёки мулк хуқуқларни бериш, балки ҳар қандай бошқа гайриқонуний афзаллик, масала расман мулк хуқуқларга тааллуқли бўлмаган преференциялар тақдим этиш: масалан, амалдорнинг қариндошини ишга жойлаштириш, унинг фарзандини нуфузли ўқув юртига киритиш ва ҳоказолар ҳам сотиб олиш ҳисобланади. Албатта, вазирларнинг банкларда ишлайдиган ёки нуфузли олий ўқув юртларида ўқийдиган фарзандлари коррупция амалда мавжуд бўлмаган мамлакатларда ҳам бор. Бироқ у ерларда, айтайлик, отаси банкка «масалаларни ҳал қилишда» ёрдам беради деб мақсад қўйган ҳолда мудоффа вазирининг ўғлини бирор-бир банкка ишга қабул қилиш, сенаторнинг қизи эса танловсиз нуфузли олий ўқув юртига кириши одат тусига кирмаган.

Жиноят қонунининг сотиб олиш тугалланган жиноят деб ҳисобланишини белгилайдиган таърифлари ҳам қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Ҳозир тамагирлик (Европа Конвенцияси атамалари мажмуида «сўраб олиш») ёки пора ваъда қилиш жиноят содир этишга қасд деб ҳисобланади, қасд эса тугалланган жиноятга қараганда ҳар доим энгилроқ жазоланади ва, одатда, ушбу ҳолда жарима ёки шартли муддат тайинланади. Европа Конвенцияси бўйича мажбуриятларга риоя этиш учун нафақат ЙХҚДИ ходими: «Ҳўш, масалани қандай ҳал этамиз?» дейиши биланоқ жиноятни тугалланган деб ҳисоблашгина эмас, балки бундай совғалар учун, дарвоқе, инспекторга «жойнинг ўзида ҳисоблашиш»ни таклиф этаётган ҳайдовчиларга ҳам реал муддат тайинланиши зарур. Чамаси, аввало буни бундай ишларни кўраётган судьяларга тушунтиришга тўғри келади.

ҲАММА ЖОЙДА ҚЎЛГА ТУШАДИЛАР

Бироқ ҳайдовчи ва ДАН ходими – майда коррупционерлар, моҳиятга кўра, қонунларнинг пухта ишлаб чиқилмаганлиги ва йўл ҳаракати қоидалари туфайли пора бериш ва олишга мажбур бўлган оддий фуқаролардир. Юқори мавқедаги амалдорлар коррупциясининг оқибатлари бундан қўламдор. Сир эмаски, улар ҳар доим истеъфога чиқиш эҳтимолига тайёр бўлиб, легал капиталларни фаоллик билан бошқа мамлакатларга ўтказадилар, у ерларда кўчмас мулк сотиб оладилар, бошқа шахслар номига банкларда ҳисобварақлар очадилар. Энди уларнинг ўзларини ҳам, коррупция даромадларини легаллаштиришда уларга ёрдам бериб, пулни бир банкдан бошқасига ўтказиш учун сохта ҳисобварақларни расмийлаштирадиган шахсларни ҳам Европа Конвенциясида иштирок этадиган исталган мамлакатнинг ҳукумати, ҳатто ўз ташаббуси билан, Россия Бош прокуратураси ёки бошқа ваколатли органлар томонидан тегилми сўровсиз, жиноий жавобгарликка тортиши мумкин. Бунинг қандай юз бериши энди маълум: Украинанин собиқ бош вазири Павел Лазаренко бош вазир бўлган пайтида олинган поралар учун эмас, балки айни коррупция пуллари «ҳалоллагани» учун АҚШда қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Хуллас, Россиядаги ҳозирги амалдорларнинг Конвенцияни ратификация қилган мамлакатлар рўйхатида эътибор билан қарашлари ва Буюк Британия, Испанияда ҳамда амалда Европадаги қолган барча мамлакатларда, шунингдек АҚШ, Канада ва Европада жойлашмаган, лекин Конвенцияга имзо чеккан бир қатор бошқа давлатларда кўчмас мулкдан халос бўлишлари керак бўлади.

Хорижий матбуот материалларидан.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**
 - «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**
 - «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастури тўғрисида».
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ХУЖЖАТЛАР:**
 - ЎзР адлия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;
 - ЎзР МВ, ДСҚ, ДБКнинг «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
 - ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБКнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;
 - ЎзР Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.
- **2008 ЙИЛ III ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ХАМДА «НОРМА МАСЛАХАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЕРИЙ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 12 июнда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 40-41-сон, 406-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **192¹-модда** билан тўлдирилсин:

«192¹-модда. Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза

Ишда иштирок этувчи шахслар назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризани ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларга беришга ҳақли.

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза мазмунан ушбу Кодекс 177-моддасининг биринчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Аризага суднинг ҳал қилув қарори нусхаси, агар иш апелляция, кассация тартибида ҳам кўриб чиқилган бўлса, апелляция, кассация инстанцияси судларининг қарорлари нусхалари ҳам илова қилинади.

Ушбу модданинг иккинчи қисми талабларига риоя қилинмаган тақдирда назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза қайтарилди.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза кўриб чиқил-

майди.

Назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинмаган ва текширилаётган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак.

Протест келтириш учун асослар бўлмаганда ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим»;

2) **197-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«197-модда. Протест келтириш

Протест келтириш учун асослар мавжуд бўлганда ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахс протест келтиради ва уни иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсатига юборди.

Протестнинг мазмуни ушбу Кодекс 177-моддасининг биринчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Протест келтирган мансабдор шахс уни протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунига қадар ўзгартириш, тўлдириш ёки чақириб олишга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар протест тўлдирилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки чақириб олинганлиги тўғрисида хабардор қилинади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 29 сентябрь
ЎРҚ-184-сон.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 30 сентябрдаги сонидан эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2009 ЙИЛГИ ИНВЕСТИЦИЯ
ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 40-41-сон, 408-модда)

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин:

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2009 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 3-иловага* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2009 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 4-иловага* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2009 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ҳамда Саудия тараққиёт фонди ва ОПЕК фондининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан 2009 йилда қуриладиган умумтаълим мактабларининг аниқ манзилли рўйхати 5 ва 5а-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағларини жалб этган ҳолда 2009 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 6-иловага* мувофиқ;

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондининг маблағлари ҳисобидан 2009 йилги марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари 7-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2009 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 8-иловага* мувофиқ.

3. Қуйидагилар маъқуллансин:

корхоналарнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича 2009 йилги қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхати 9-иловага* мувофиқ;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2009 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастури 10-иловага* мувофиқ;

2009 йилда якунига етказилиши зарур бўлган истиқболли инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати 11-иловага* мувофиқ.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, буюртмачи вазирликлар ва идоралар:

ўн кун муддатда давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси ва Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2009 йилги қурилишларнинг дастлабки аниқ манзилли рўйхатини келишиб олиш учун Ўзбекистон

Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этсин;

2008 йилнинг 25 октябригача Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда 2009 йилда қурилиши янгидан бошланадиган, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича танлов савдоларини ўтказишни таъминласин;

танлов савдоларининг натижалари тасдиқлангандан сўнг йигирма кун муддатда янгидан бошланадиган объектлар бўйича пудрат шартномалари тузилишини таъминласин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органларига, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкларга молиялашни очиш мақсадида тақдим қилиш учун қурилишларнинг титул рўйхатларини тасдиқласин.

2008 йилнинг 15 ноябригача давлат бюджети, бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2009 йилги қурилишларнинг узил-кесил аниқ манзилли рўйхатини келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этсин;

2008 йилнинг 10 декабригача корхоналарнинг шахсий маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича 2009 йилги лойиҳаларни амалга оширишнинг белгиланган тартибда тасдиқланган тармоқли жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этсин.

5. Вазирликлар ва идоралар — халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг қарз маблағларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг буюртмачилари 2008 йилнинг 15 декабригача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда вакил банклар билан биргаликда қарз битимларининг кучга кириши бўйича чора-тадбирларни якунига етказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзинфоинвест» агентлиги 11-иловага киритилган инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари билан биргаликда уларни амалга ошириш мақсадида батафсил ишлаб чиқилишини таъминласин. Мазкур масала бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этиб турсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳар чорак якунлари бўйича 2009 йилги Инвестиция дастури бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама қилиш учун ахборот-таҳлилларини тақдим этиб борсин.

8. Қуйидагиларга:

хорижий сармоялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қўшма тақдимномаси бўйича 2009 йил мобайнида тасдиқланган Инвестиция дастурининг умумий параметрлари доирасида инвестиция лойиҳаларининг аниқ манзилли дастурига ва айрим буюртмачилар бўйича капитал маблағлар лимитларига аниқликлар киритиш, шу жумладан истиқболли инвестиция таклифларини йиғма рўйхатдан дастурнинг аниқ манзилли қисмига ўтказиш ҳуқуқи;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўтказилган тан-

* 1 – 11-иловалар берилмайди.

лов савдолари ҳамда айрим қурилишлар ва объектлар бўйича маблағларни амалда ўзлаштириш натижаларига кўра тасдиқланган лимитлар доирасида буюртмачилар қурилишларининг аниқ манзилли рўйхатига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати ҳамда инвестиция лойиҳалари амалга ошириладиган бутун давр мобайнида марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши муддатлари ва шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан назоратни таъминласин.

Олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш,

рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган капитал қурилишда нархларнинг шакллантирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 2 октябрь
ПҚ-969-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ
ДАВЛАТ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
10 сентябрда 1856-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 37-38-сон, 389-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 304-сонли қарорини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатига олинсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А.Инанбабаев):

ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини;

*2008 йил 20 сентябрдан кучга киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритишга доир фаолиятини мувофиқлаштиришни ва назорат қилишни, шунингдек уларга тегишли методик ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2000 йил 30 декабрдаги 178-мх-сонли «Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги буйруғи (2000 йил 30 декабрь, рўйхат рақами 1000 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 24-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

5. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

6. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е.Каньязов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазири
Р.МУҲИТДИНОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 10 сентябрь
195-мх-сон.

Адлия вазирининг
2008 йил 10 сентябрдаги 195-мх-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

* Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сонли «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 8-сон, 47-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби ўз ичига ушбу ҳужжатларни

марказлаштирилган тартибда йиғиш, ҳисобга олишни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги 454-сон қарори (Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1998 йил 4-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқлари умум-ҳуқуқий классификатори асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга код бериш, тизимлаштирилган картотека юритиш, улар фондларининг назорат ҳолати ҳамда бундай ҳужжатлар тўғрисидаги марказлаштирилган ахборотни барпо этиш ва сақлаб туришни қамраб олади.

2. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Ад-

лия вазирлиги (кейинги ўринларда матнда Адлия вазирлиги деб юритилади) амалга оширади.

II. ДАВЛАТ ҲИСОБИ ЮРИТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

3. Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби юритилиши керак:

- а) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- д) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- е) Қорақалпоғистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий ёки вақтинчалик) ва уларда мавжуд бўлган маълумотлар хусусиятидан қатъи назар, давлат ҳисобига олинishi керак, мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳужжатлар бундан мустасно.

5. Қуйидагилар давлат ҳисобига олинмайди:

- а) «Махфий» ва «Ўта махфий» белгиси қўйилган ҳужжатлар;
 - б) яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар: шахсий тусдаги (лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки лавозимдан озод қилиш, комиссия ва бошқа коллегиял органлар таркибини тасдиқлаш, орден ва медаллар билан мукофотлаш, фахрий ва ҳарбий унвонлар бериш, муайян шахсларга имтиёзлар бериш тўғрисидаги ва бошқа шу кабилар); амал қилиши бир марта қўллаш билан тамом бўлувчи; тезкор-фармойишли тусдаги (бир марталик топшириқлар);
 - в) ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлашига киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар;
 - г) илгари белгиланган тартибни ижро этишни ташкил этишга йўналтирилган ва меъёрларни ўз ичига олмаган ҳужжатлар (шу жумладан бутун мазмуни бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилишдан иборат бўлган ҳужжатлар);
 - д) техник ҳужжатлар, агар улар ўз ичига ҳуқуқий нормаларни олмаса;
 - е) тавсия тусидаги ҳужжатлар;
 - ж) муайян корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга ер участкаларини бериш (реализация қилиш) тўғрисидаги ҳужжатлар;
 - з) умумий мажбурий тусга эга бўлмаган бошқа ҳужжатлар.
6. Мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар белгиларига фақат қисман мувофиқ келадиган ҳужжатлар ўзининг қолган қисмида давлат ҳисобига олинishi керак.

III. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ ҲИСОБИ УЧУН ЮБОРИШ ТАРТИБИ

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тўғрисида»ги Низомнинг 13-бандига мувофиқ, мазкур Низомнинг 3-банди «а», «б», «в» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари уларни қабул қилган органлар томонидан Адлия вазирлигига қабул қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида қоғоз

ва электрон шаклларда юборилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон шакли Адлия вазирлигига электрон почта тизими орқали юборилади.

Мазкур Низомнинг 3-банди «д» кичик бандида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари қоғоз ва электрон шаклларда Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилади.

Мазкур Низомнинг 3-банди «е» ва «ж» кичик бандларида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига (кейинги ўринларда матнда адлия бошқармалари деб юритилади) уларни қабул қилган органлар томонидан қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида қоғоз ва электрон шаклларда юборилади.

8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирлигига ва адлия бошқармаларига муҳрланган ҳолда давлат тилида оқ-қора кўринишда юборилади, шунингдек бир вақтнинг ўзида рус тилида ҳам тақдим этилиши мумкин.

IV. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ ҲИСОБИГА ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФОНДЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

9. Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби реестрларини (кейинги ўринларда матнда реестрлар деб юритилади) иловага мувофиқ юритади.

Адлия вазирлигига ва адлия бошқармаларига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур Низомнинг 11-бандига мувофиқ ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни реестрларга киритиш билан давлат ҳисобига олинади.

Адлия бошқармалари ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнанинг 3-кунигача, давлат ҳисобига олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида реестрдан кўчирма шаклида олинган қоғоз ва электрон шакллардаги маълумотларни Адлия вазирлигига жўнатади.

10. Илгари давлат ҳисобига олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур Низомнинг 9-бандига мувофиқ реестрга киритилади.

11. Реестрга киритилган тузатишлар, ўзгартишлар ва қўшимчалар бунга ваколатли шахслар имзоси билан тасдиқланади.

12. Реестрга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар киритилади:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реестрдаги тартиб рақами;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатни реестрга киритиш санаси;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган(лар);
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш санаси ва унинг рақами (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари учун уларнинг Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган рақами ва санаси);
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириш санаси ва амал қилиш муддати;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий нашрларда эълон қилиниши тўғрисидаги маълумотлар;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича коди;

бошқа маълумотлар (изох).

Реестрда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури куйидаги қисқартмаларда кўрсатилади:

Ўзбек тилида: ЎРҚ (ЎҚ) — Ўзбекистон Республикаси қонунлари; ОҚ — Олий Мажлис қарорлари, СҚ — Олий Мажлис Сенатининг қарорлари, ҚПҚ — Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарорлари; ПФ — Президент фармонлари, ПҚ — Президент қарорлари; ВМҚ (ВҚ) — Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; ИХ — Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари; МХ — Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;

рус тилида: ЗРУ (ЗУ) — законы Республики Узбекистан; ПО — постановления Олий Мажлиса, ПС — постановления Сената Олий Мажлиса, ПЗП — постановления Законодательной палаты Олий Мажлиса; УП — указы Президента, ПП — постановления Президента; ПКМ (ПК) — постановления Кабинета Министров; ВА — нормативно-правовые акты министерств, государственных комитетов и ведомств; МА — решения органов государственной власти на местах.

Реестрда Қорақалпоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатининг тури Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилаб берган қисқартмаларда кўрсатилади.

13. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари хронологик тартибда тизимлаштирилади ва махсус йиғмажилдлар ҳамда маълумотларнинг электрон базаларида сақланади.

14. Реестрлар Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсининг таркибий қисми бўлиб, ундаги давлат ҳисоби-га олиш учун келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-

нинг матнлари эса расмий ҳисобланади.

15. Реестрлар қоғоз, электрон шаклларда юритилади ва Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларининг расмий сайтларида эълон қилинади.

16. Давлат ҳисобига қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Адлия вазирлигида ва адлия бошқармаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг фондлари ташкил этилади.

17. Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фондларга ўз вақтида киритилишини ва тегишли ўзгартишлар киритиш йўли билан уларни назорат ҳолатида ушлаб туришни таъминлайди.

V. РЕЕСТРЛАРДАГИ МАВЖУД МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

18. Барча юридик ва жисмоний шахслар реестрларда жойлаштирилган маълумотлардан ёзма мурожаатлар асосида ёки Адлия вазирлигининг расмий сайтидан ахборот олишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

19. Реестрлардан маълумот такдим этиш аризачининг ёзма мурожаати асосида тегишлича Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

20. Реестрларда маълумот олиш учун ёзма мурожаатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қидириш учун керакли бўлган маълумотлар кўрсатилиши лозим.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДА

21. Реестрлар ва фондларнинг сақланиши, ишончилиги учун жавобгарлик Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларининг мансабдор шахслари зиммасига юкланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА КЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

ТАСДИҚЛАНГАН МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 сентябрда 1857-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 39-сон, 396-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги «2008 — 2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-879-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 22-23-сон, 198-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

1. Илова қилинаётган Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тар-

тиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат божхона кўмитасининг 2006 йил 18 августда 75, 2006-36, 01-02/8-16-сон билан тасдиқланган «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2006 йил 24 август, рўйхат рақами 1619 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 34-35-сон, 353-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
90-сон

Давлат солиқ
кўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2008-32-сон

Давлат божхона
кўмитаси раиси
С.НОСИРОВ.
01-02/8-51-сон

Тошкент ш., 2008 йил 26 август.

*2008 йил 29 сентябрдан кучга киради.

**ТАСДИҚЛАНГАН МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН
КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚўЛЛАШ ТАРТИБИ Тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги «2008 — 2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-879-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 22-23-сон, 198-модда) мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш ҳамда улар томонидан даромадларни алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сон қарорининг 2 ва 3-иловаларга кўрсатилган қарорни қабул қилинган санасида киритилган корхоналар 2008 йил 28 майдан 2011 йил 1 январгача қуйидагиларни тўлашдан озод этиладилар:

четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғидан, ягона солиқ тўловидан (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғидан.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сон қарорининг 2 ва 3-иловаларига уни қабул қилинганидан (2008 йил 28 майдан) сўнг киритилаётган янги корхоналар учун ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган солиқ ва божхона имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастурига янги лойиҳаларни киритиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган санасидан бошлаб, агар қарорнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган солиқ ва божхона имтиёзлари юқорида кўрсатилган қарорнинг 2а, 3а ва 4-сон иловаларига киритилган корхоналар учун 2008 йил 28 майдан 2009 йил 1 январгача берилади.

4. Ушбу Низомда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга, реконструкция қилишга, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

5. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган солиқ ва божхона имтиёзларини расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (2005 йил 2 апрель, рўйхат рақами 1463 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 105-модда) билан тартибга солинади.

6. Солиқлар ва божхона тўловларини тўлашдан озод этиш натижасида бўшаган маблағлар мақсадга мувофиқ

фойдаланилмаган тақдирда, бу маблағлар жарима жазосини, шу жумладан пеняни ҳисоблаган ҳолда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга тўлиқ ундирилади.

**II. СОЛИҚЛАР Бўйича ИМТИЁЗЛАР ВА УЛАРНИ
ҚўЛЛАШ ТАРТИБИ**

§ 1. Фойда солиғи бўйича имтиёзлар

7. Маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромадни фойда солиғидан озод қилиш кўринишидаги имтиёзни қўллаш учун корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромадлар (харажатлар) бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари керак.

8. Фойда солиғи ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 111, 2007-66-сон қарори (2008 йил 21 январь, рўйхат рақами 1760 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 3-4-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Юридик шахслардан олинладиган фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шакллари асосида амалга оширилади.

§ 2. Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар

9. Ягона солиқ тўлови тўловчиси ҳисобланган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқ солиш хусусиятларини ҳисобга олиб, ягона солиқ тўлови бўйича назарда тутилган имтиёз маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум суммасига қўлланади. Айтиб ўтилган имтиёзни қўллаш учун корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари керак.

10. Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 111, 2007-66-сон қарори (2008 йил 21 январь, рўйхат рақами 1760 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 3-4-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ ҳисоботи шакллари асосида амалга оширилади.

§ 3. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар

11. Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатилладиган асосий ишлаб чиқариш фондларини мол-мулк солиғидан озод қилиш кўринишидаги имтиёзни қўллаш учун корхоналар маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатилладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича солиқ солиш базасини алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари керак.

12. Мол-мулк солиғи бўйича имтиёз маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун четдан олиб келинган, бироқ норматив муддатларда ўрнатилмаган асосий фондлар учун қўлланилмайди. Бундай мол-мулк бўйича солиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисобланади ва тўланади.

13. Мол-мулк солиғи ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 111, 2007-66-сон қарори (2008 йил 21 январь, рўйхат рақами 1760 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 3-4-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи шакллари асосида амалга оширилади.

14. Агар асосий ишлаб чиқариш фондларидан фақат маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилмаса, имтиёз реализация қилишдан олинган соф тушумда маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг салмоғидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғри-

сида»ги 111, 2007-66-сон қарори (2008 йил 21 январь, рўйхат рақами 1760 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 3-4-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Юридик шахсларни мол-мулк солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шакллари 5-сон иловасида кўрсатилган маълумотлар асосида тақдим этилади.

Масалан, агар асосий ишлаб чиқариш фондларининг қолдиқ қиймати корхона бўйича умуман 1500 млн сўми, реализация қилишдан олинган соф тушумда маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг салмоғи 25 фоизни ташкил этса, солиқ солинмайдиган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 375 млн сўми (1500 x 25/100) ташкил этади.

§ 4. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар

15. Четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш чоғида технологик жараёнда ишлатилмайдиган компонентларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) озод этиш бўйича имтиёз эркин муомалага чиқариш режимига ўтказиш божхона расмийлаштируви пайтида ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг белгиланган тартибда берилмайдиган хулосаси асосида тақдим этилади.

Бунда четдан олиб келинадиган эҳтиёт қисмларга (четдан олиб келинадиган технологик асбоб-ускуналар қийматида ҳисобга олинмайдиган), солиқ солинадиган оборот, шу жумладан ноль ставка бўйича оборот учун ишлатилмайдиган компонентларга ҳисоблаб ёзилган қўшилган қиймат солиғи суммаси тайёр маҳсулот бўйича бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида камайтирилади (ҳисобга олинади).

16. Худудий давлат божхона хизмати органлари божхона тўловларини тўламасдан четдан товар олиб келган юридик шахслар реестрлари ва тақдим этилган имтиёзлар ҳисобини юритадилар.

17. Товар эркин муомалага чиқарилганидан кейин худудий давлат божхона хизмати органлари ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунига қадар (юридик шахснинг тегишлилиги бўйича) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига Четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш чоғида технологик жараёнда ишлатилмайдиган компонентлар тўғрисидаги маълумотни ушбу Низомнинг иловасига биноан тақдим этишлари керак. Давлат солиқ органлари маълумот олинган санадан эътиборан уч кун ичида юридик шахс рўйхатдан ўтган жойдаги туман давлат солиқ инспекциясига мазкур маълумотни юборадилар.

18. Давлат солиқ хизмати органларига юборилмайдиган ахборотда қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилади:

ўз эҳтиёжлари учун товарлар импорт қилувчи, божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган юридик шахснинг номи ва СТИРи;

чет эллик товар етказиб берувчининг номи, контракт рақами ва унинг контрактни божхона органида ҳисобга қўйиш чоғида берилган рўйхат рақами;

товарлар номи, уларнинг сони ва тақдим этилган имтиёзлар суммаси.

19. Имтиёзни қўллаган ҳолда четдан олиб келинган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек компонентларидан мақсадга кўра фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланганда давлат солиқ хизмати органи аниқланган ҳолат тўғрисида ҳужжатларни тузади, улар уч иш куни мобайнида тегишли давлат божхона хизмати органига юборилади. Мақсадга кўра фойдаланилмаган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек компонентларига тўғри келмайдиган божхона тўловлари бўйича имтиёзлар суммаси жарима жазо-

сини, шу жумладан пеняни ҳисоблаган ҳолда, Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомда (2005 йил 2 апрель, рўйхат рақами 1463 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 105-модда) назарда тутилган тартибда бюджетга ундирилади.

III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

§ 1. Маҳаллийлаштириш Дастурини амалга ошириш доирасида мажбуриятларни бажаришни таъминлаш

20. Лойиҳа Маҳаллийлаштириш Дастуридан чиқарилганда лойиҳани амалга оширувчи корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳани маҳаллийлаштириш Дастуридан чиқариш тўғрисидаги қарори кучга кирган пайтдан бошлаб мазкур Низомнинг 1-бандида келтирилган солиқ ва божхона имтиёзларидан маҳрум этилади.

21. Маҳаллийлаштириш Дастурида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни таъминламаган ва шу асосда маҳаллийлаштириш Дастуридан чиқарилган корхоналар:

а) маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун илгари четдан олиб кирилган товарларнинг (компонентларнинг) қолдиқ қисмида божхона тўловлари бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китобларни амалга оширишлари шарт. Қайта ҳисоб-китоблар жарима жазоси қўлланилмаган ҳолда амалга оширилади;

б) ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган тартибда қайта ҳисобланган божхона тўловлари бўйича тўланган маблағларни чегирган ҳолда 8840 «Мақсадли ишлатилмайдиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағида (маҳаллийлаштириладиган маҳсулот қисмида) акс эттириладиган ишлатилмаган маблағларнинг қолдиғини маҳаллийлаштириш Дастуридан чиқариш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб уч кун мобайнида бюджетга ўтказиб беришлари шарт.

Мазкур маблағлар ўз вақтида ўтказиб берилмаган ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисобланади.

Ушбу банднинг қоидалари имтиёз даври тугагандан сўнг, яъни маҳаллийлаштириш Дастурида белгиланган муддатлар тугагандан сўнг фойдаланилмаган маблағлар қолдиғига ҳам татбиқ этилади.

22. Йил якуни бўйича маҳаллийлаштириш Дастурида назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажаришни таъминламаган, бироқ маҳаллийлаштириш Дастуридан чиқарилмаган корхоналар бўйича маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ишлатилмайдиган компонентлар бўйича хулоса бериш Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Маҳсус комиссиянинг қарори бўйича ўтган йилда имтиёзларни қўллаган ҳолда четдан олиб кирилган компонентларнинг қолдиғини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

§ 2. Солиқ тўловчилар масъулияти ҳамда давлат солиқ ва божхона хизматлари органларининг назорати

23. Корхоналар тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда мазкур Низом ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида тўлаш ва ҳисоб-китоблар тақдим этиш учун жавобгар бўладилар.

24. Солиқ ва божхона имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ ва божхона хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва Божхона кодексларига мувофиқ амалга оширилади.

25. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган.

**Иқтисодиёт вазири
Б.ХУЖАЕВ.**

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири
Э.ФАНИЕВ.**

Тошкент ш., 2008 йил 26 август.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ХУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА ИМПОРТ БОЖХОНА БОЖИ ВА
ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМ
ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР РЎЙХАТИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАТНИГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. Иккинчи графанинг номланиши куйидаги тахрирда баён қилинсин:
«ТИФ ТН коди (2007 йил версиясида)».

2. 81-банддаги «8704 23 910 0» рақами «8704 23 910» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ШАКЛИ ВА УЛАРНИ
ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ҚОИДАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
24 сентябрда 1860-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 39-сон, 401-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси қарор қилади:

***2008 йил 4 октябрдан кучга киради.**

1. «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар» шакли 1-иловага мувофиқ;

«Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар» шаклини тўлдириш бўйича қоидалар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкани бошқариш
давлат қўмитаси раиси
Д.МУСАЕВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 15 август
01/19-18/12-сон.

Давлат мулки қўмитасининг
2008 йил 15 августдаги 01/19-18/12-сонли қарорига
1-ИЛОВА

**«Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли
20__ йил _____ учун**

Баҳоловчи ташкилотининг номи	
Почта манзили	
Лицензия рақами ва берилган санаси, ҳамда баҳолаш фаолиятининг йўналиши	
Устав капитали	
Солиқ тўловчининг идентификация рақами	
Профессионал баҳоловчилар бирлашмаларига аъзолиги	
Телефон/факс, e-mail	

I. Баҳоловчи ташкилоти раҳбари

Кўрсаткичнинг номи	Сатр рақами	
Раҳбарнинг фамилияси, исми ва шарифи	01	
Раҳбарнинг лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг рақами ва санаси	02	
Паспорт маълумотлари, яшаш жойи	03	
Раҳбарга берилган баҳоловчи малака сертификатининг рақами ва санаси	04	
Малака ошириш курсини ўтган жойи ва санаси	05	

II. Ташкилот ходимлари сони

Кўрсаткичнинг номи	Сатр рақами	Ҳисобот давридаги ҳолати
1	2	3
Ходимлар сони — жами,	06	
улардан баҳоловчилар	07	
Шу жумладан:		
а) штатдаги баҳоловчилар	08	
б) фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган баҳоловчилар	09	

_____ давлат солиқ бошқармаси
Четдан олиб келинаётган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш чоғида технологик жараёнда ишлатиладиган компонентлар тўғрисидаги маълумот
20__ йил «__» чораги учун

Т/р	Олувчининг номи	Олувчининг юридик манзили	Олувчининг СТИРи	чет эллик товар етказиб берувчи-нинг номи	Контракт-нинг рақами	Контрактнинг божхона органида ҳисобга қўйилган рўйхат рақами	Четдан олиб келинган товар			Имтиёз суммаси
							номи	ўлчов бирлиги	миқ-дори	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

(сана)

ЎзР ДБК _____ вилоят бошқармасининг бошлиғи _____ (имзо) _____ (ф.и.ш.)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР
ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИГА ОЛИБ КИРИШДА ИМПОРТ БОЖХОНА
БОЖИ ВА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ТЕХНОЛОГИК
ЖИҲОЗЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР РЎЙХАТИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
23 сентябрда 1802-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 39-сон, 399-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон Фармонининг 5-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 11-сон, 96-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-823-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 98-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги,

Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 2 майдаги 52, 46, ЭГ-01/19-2784 ва 01-02/8-38-сон қарори (2008 йил 3 май, рўйхат рақами 1802 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 163-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатининг ўзбек тилидаги матнига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

*2008 йил 3 октябрдан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири
Б.ХОДЖАЕВ.
58-сон

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
94-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири
Э.ФАНИЕВ.
ЭГ-01/10-5084-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси
С.НОСИРОВ.
01-02/8-53-сон

Тошкент ш., 2008 йил 15 сентябрь.

**Баҳоловчилар тўғрисида маълумотлар
(штардаги ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича
жалб қилинган баҳоловчилар)**

Баҳоловчининг фамилияси, исми ва шарифи	Лавозимга тайинланган сана	Баҳоловчининг малака сертификати рақами ва берилган вақти	Малака ошириш курсидан ўтган санаси ва жойи
1	2	3	4

III. Кўрсатилган хизматлар ҳажми

Кўрсаткичнинг номи	Сатр рақами	Ҳисобот даврида	
		шартнома-лар сони	хизматлар суммаси
1	2	3	4
Хизматлар ҳажми — жами, шу жумладан:	10		
Давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхона (объект)ни баҳолаш	11		
Банкротлик тартиботларини ижро этиш мақсадида ўтказилган баҳолаш ишлари	12		
Молия ҳисобини юритиш мақсадидаги баҳолаш ва ёки асосий фондларни қайта баҳолаш	13		
Хатланган мол-мулкни баҳолаш	14		
Гаровга берилаётган мулкни баҳолаш	15		
Устав капиталига ҳисса сифатида киритилаётган мулкни баҳолаш	16		
Бошқа мақсадлардаги баҳолаш	17		
Баҳолаш фаолияти билан боғлиқ бўлган профессионал хизматларини кўрсатиш	18		

Баҳоланган мулк турига қараб кўрсатилган хизматлар ҳажми

Кўрсаткичнинг номи	Сатр рақами	Ҳисобот даврида		Ўтган йилнинг мос даврида	
		шартномалар сони	хизматлар суммаси	шартномалар сони	хизматлар суммаси
1	2	3	4	5	6
Баҳолаш хизматлари ҳажми — жами, шу жумладан:	19				
а) транспорт воситаларини баҳолаш	20				
б) машина ва ускуналарни баҳолаш	21				
в) интеллектуал мулкни баҳолаш	22				
г) қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва майда зебу зийнат буюмлари ясашга ярайдиган тошларни, қимматбаҳо металлларни, шунингдек улардан тайёрланган буюмларни баҳолаш	23				
д) кўчмас мулкни баҳолаш	24				
е) бизнесни (мулкӣ мажмуа сифатидаги корxonани) баҳолаш	25				
ж) улушлар, акция пакетларини баҳолаш	26				
з) бошқа турдаги мулкларни баҳолаш	27				

IV. Баҳолаш ҳисоботлари ва эксперт хулосалари тўғрисидаги маълумотлар

Баҳолаш натижалари номи	Сатр рақами	Ҳисобот даврида	
		тузилганлар сони	Тузишни рад этиши
1	2	3	4
Баҳолаш ҳисоботлари	28		
Эксперт хулосалари	29		

Баҳоловчи ташкилоти раҳбари

(фамилияси)

(имзоси)

20 ____ й. _____
(маълумотлар тўлдирилган сана)

М.Ў.

**2008 йил III чорагида «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ»
ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РҲЙХАТИ**

Меъёрий ҳужжатнинг номи	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ		
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида	2008 йил 7 июль, ЎРҚ-158-сон	32-сон «Норма маслаҳатчи»
Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида	2008 йил 22 июль, ЎРҚ-163-сон	32-сон «Норма маслаҳатчи»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ		
Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида	2008 йил 19 июнь, ПФ-4006-сон	27-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-672-сон қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида	2008 йил 9 июнь, ПҚ-887-сон	27-сон «Норма маслаҳатчи»
Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида	2008 йил 8 июль	27-сон «Норма маслаҳатчи»
Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида	2008 йил 23 июнь, ПҚ-896-сон	27-сон «Норма маслаҳатчи»

Меъёрий ҳужжатнинг номи	Санаси, рўйхат рақами	Газета сони
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ		
Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2008 йил 15 июль	28-сон «СБХ»
Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида	2008 йил 21 июль	29-сон «СБХ»
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида	2008 йил 23 май, ПҚ-876-сон	29-сон «Норма маслаҳатчи»
2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида	2008 йил 28 май, ПҚ-879-сон	30-31-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида (кўчирма)	2008 йил 28 август	34-35-сон «СБХ»
Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2008 йил 2 июль, ПҚ-907-сон	34-сон «Норма маслаҳатчи»
Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2008 йил 24 июль, ПҚ-927-сон	35-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2008 йил 30 июль, ПҚ-929-сон	35-сон «Норма маслаҳатчи»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ		
Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 мартдаги ПҚ-843-сон қарори)	2008 йил 12 июнь, 128-сон	27-сон «Норма маслаҳатчи»
«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида	2008 йил 24 июнь, 141-сон	30-31-сон «Норма маслаҳатчи»
Зооветеринария хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	2008 йил 13 июнь, 129-сон	32-сон «Норма маслаҳатчи»
Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2008 йил 20 июнь, 137-сон	33-сон «Норма маслаҳатчи»
Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	2008 йил 1 июль, 146-сон	33-сон «Норма маслаҳатчи»
Бугдой, ун, гуруч ва нон-булка маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш ҳоллари устидан назоратни кучайтириш ва уларнинг олдини олишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2008 йил 8 июль, 153-сон	34-сон «Норма маслаҳатчи»
Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2008 йил 3 июль, 149-сон	35-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида	2008 йил 1 август, 165-сон	36-сон «Норма маслаҳатчи»
Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	2008 йил 8 август, 176-сон	36-сон «Норма маслаҳатчи»
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 28 апрелдаги 86-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида	2008 йил 12 август, 183-сон	36-сон «Норма маслаҳатчи»
Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2008 йил 20 август, 186-сон	37-сон «Норма маслаҳатчи»
